

**“Ўзпахтасаноат” акциядорлик  
жамияти**

**Ўзбекистон агросаноат мажмуи  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши**

**ҚҰШМА ҚАРОРИ**

2018 йил 13 мағір

№ 93-и/2

Тошкент ш.

2018 йил 12 мағір

№ 11-14, с"

Тошкент ш.

**“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсати қарор қиласы:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирликлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид 2017-2019 йиллар учун қабул қилинган Бош келишув асосида “Ўзпахтасаноат” акциядорлик Жамияти ҳамда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви тасдиклансын (1-илова).

1. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2018-2020 йиллар учун тузилган янги тармоқ келишуви лойихаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Эксперт хуносаси инобатга олинсин.(2-илова).

2. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти тизимидағи қуйи ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Республика кенгашининг худудлар бўйича масъул ташкилотчилари, туман, шаҳар кенгашлари раисларига:

-қуйи ташкилотларда тармоқ келишуви билан жамоа шартномаларнинг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг охирги тавсия қилинган макетларга мослигини ҳамкорликда ўрганиш ва қатъий назоратга олиш;

-жамоа шартномаларига ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига оид меъёрлар киритиш;

-хар йили тизимдаги қуйи ташкилотларда жамоа шартномаларининг йил якуни ижроси бўйича умумий йиғилишлар ўтказиш;

-жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

-ходимларни хукуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўкув машгулотлари, давра сұхбатлари, тренинглар ташкил этиш;

-тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномаларининг ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятни янада ошириш;

-ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва Республика кенгаши Веб сайтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш юклатилсин.

4. Ушбу тармоқ келишувида белгиланган бандларни Келишувнинг амал қилиш мүддати тугагунига қадар “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ходимларига тўлиқ тадбиқ этилиши ҳамда ушбу тармоқ келишувининг бажарилишининг йиллик

якуни тўғрисидаги ахборот ҳар икки томони вакилларидан иборат бўлган комиссия томонидан тайёрлананиб, «Иш берувчи» ҳамда Республика кенгаши раёсати кўшма мажлисларида муҳокама килиниши тъммилансин.

5.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари А.Султонов ҳамда Республика кенгаши ижтимоий химоя масалалари бўйича бони мутахассиси Ш.Бегимкулова зиммаларига юклатилен.




“Ўзпахтасаноат” акциядорлик  
жамияти Бонкарув раиси

—  
—  
*Борзалиев*

Ўзбекистон Агробанк мажмуи  
ходимлари касаба уошимаси  
Республика кенгаши раиси  
в.в.б.1. Бозорин —  
*Бозорин*





Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид 2018-2020 йиллар учун тузилган

## ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ

### I. УМУМИЙ БҮЛİM

“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти (бундан буён Иш берувчи) ва Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан буён - «Республика кенгаши») кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталади.

#### Томонлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Республика қонун ҳужжатларига амал қилиб;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга оид стратегик кўрсатмаларини ижро учун қабул қилиб;

- Бош Келишувнинг хамма ҳукукий қонун-қоидаларига риоя қилиб;

- Ходимлар ва иш берувчиларнинг меҳнатга оид ҳукуклари ва ижтимоий-иктисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаб туриш ишларида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

- фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

- Ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб, сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ҳамда, тизимдаги барча ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳукуклари ва имтиёзларининг энг қуи даражасини кафолатловчи мазкур ТАРМОҚ КЕЛИШУВни туздилар (бундан буён- «Келишув») ва ўз зиммаларига қуидаги йўналишлар бўйича мажбуриятлар оладилар:

1. Келишув Иш берувчининг тасарруфидаги барча ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига ҳамда шу жамоанинг барча ходимлари ва касаба уюшмаси қўмиталарига ҳам татбиқ этилади. Шунингдек, иш берувчилар билан касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

2. Ушбу Келишувнинг белгиланган муддати тугагач, тегишли йилнинг январь ойидан, тизимдаги қуи ташкилотларда эса жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузилишини таъминлайди.

3. тарафлар янги Келишув тузгунча ёки амалдаги Келишувни ўзгартиргунча, тўлдиргунча амалда бўлади. Тизимдаги қуи ташкилотларда эса, жамоа шартномаларини – март ойидан кечиктирмай тузилишини таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9-моддасига мувофиқ, касаба уюшма ташкилотлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширадилар.

5. Хамкорликда тизимдаги раҳбарлар, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳукуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раисларининг ҳукукий саводхонлигини ошириш борасида меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўкув-семинарлар ташкил қиласди, шунингдек, долзарб ижтимоий-иктисодий масалаларни мухокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва вакиллари билан давра сұхбатлари ташкил қиласди. Ушбу тадбирларнинг барчасида «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида тренинглар ва тушунтиришлар олиб боришни йўлга кўядилар.

6. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳукукларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилмайдилар.

7. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1995 йил 18 декабря 196-рақам билан рўхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қўйидаги тоифалари мазкур келишув мақсадларида Меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва хамкорлик қиласди:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳукуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори ижросини сўзсиз таъминлайдилар.

9. Касаба уюшмалари аниқлаган қонунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат ҳукуқларини судгача химоя қилиш тизимини жорий этади.

10. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида тизимили хамкорликни таъминлайди. Шунингдек, Иш берувчи ўз тасарруфидаги ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий - иктисодий, ҳукукий масалаларига оид қарорлар қабул қиласидиган коллегиал органлар ҳамда ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибиға касаба уюшмаси қўмитаси вакилини киритади (Бош келишувнинг 60-банди).

11. Хамкорликда ўз тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарияти билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам қўрсатади, уларнинг бандларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иктисодий, ҳукукий ва интеллектуал манфаатларини химоя қилишнинг энг долзарб масалаларининг киритилишига эришади ҳамда бажарилишини назорат қиласди.

12. Жамоа шартномаларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 2 марта “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий

коидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сонли қарорининг тегишли бандларини киритилишини таъминлайди.

13. Касаба уюшмаси аъзолик бадалларини ходимнинг ёзма розилиги билан (МК 164-модда) бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшма қўмитаси ҳисоб ракамига ўтказиш тартибини сақлаб қолишини мақсадга мувофик деб хисоблайдилар.

14. Тизимдаги қуий ташкилотлар учун ижтимоий-иктисодий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳукуқий хужжатларни тайёрлашда ҳамкорлик қиласи.

15. Иш берувчининг ва тасарруфдаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 24-моддасида белгилаб берилган “Иш берувчины ходимларнинг вакиллик органлари олдидаги мажбурияти” талабларига тўлиқ риоя этади.

16. Иш берувчи «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунга биноан жойларда касаба уюшма қўмиталарининг фаолият кўрсатиши учун зарур иш шароитларини яратади, кабинет ва керакли жиҳозлар билан таъминлайди, шунингдек, касаба уюшмаси ишларини бажариши учун кўпроқ имконият яратиб беради.

17. Иш берувчи ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда ходимларни янги ишга қабул килиш жараёнида уларни дастлаб касаба уюшмаси қўмитасида танишув сұхбатидан ўтишини йўлга қўйилади.

18. Тизимда “Ишонч” телефонлари тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади.

19. Тизимида ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг асос соловчи конвенцияларига риоя этилишига доир чоралар тизими ҳар йили таҳлил қилинади.

20. Иш берувчининг барча таркибий тузилмаларида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орали меъёрий негизни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Тизимдаги иш берувчилар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмалариға бирлашиш ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли конвенциясига мувофик, ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратадилар.

## **II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК ҚАФОЛАТЛАРИ**

21. Ижтимоий шериклик тамойили асосида фаолият олиб боришида меҳнат шартномасининг мазмуни, уни тузиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси билан белгиланишини, меҳнат конунчилилигига кўра мазкур Келишув ва жамоа шартномаларида белгилangan ҳукуқ ва кафолатлар даражасини пасайтирадиган меҳнат шартномаси ҳақиқий хисобланмаслиги ва қўлланиши мумкин эмаслигини эътиборга олинади.

22. Томонлар жамоа шартномаларини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолатларни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

23. Иш берувчи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини тузиш пайтида, уни (имзо билан) ташкилотнинг Низоми, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат функциясига тааллуқли ҳаракатдаги бошқа локал норматив ҳужжатлар билан таниширади ҳамда меҳнат шартномасида кўзда тутилган меъёрларни жамоа шартномасида мавжуд меъёрлар билан ҳамоҳанглигини таъминлайди (таътил, иш вақти масалалари).

24. Касаба уюшмаси органларига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб кўйиладиган лавозимдаги ваколати тугатилгандан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл кўйилмайди (МК 25-моддаси).

25. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳукуқ ва манфаатларига дахлдор касаба уюшмаси тақдимномасини Иш берувчи 10 кун муддат ичидан кўриб чиқиб, натижаси ҳақида унга хабар беради.

26. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегарасини 60 кундан ошмайдиган қилиб белгилайди. Шунингдек меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорларини, ҳамда ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатларни жамоа шартномаларига киритилади.

27. Иш берувчи ходимларни оммавий равища ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳаки миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт (МК 102 модда).

28. Ходимлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 103-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳукуқига эга бўлмаган тақдирда улар учун бериладиган бошқа афзалликлар жамоа шартномаларида белгилаб кўйилади.

29. Иш берувчи юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳукуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитилиши, малакасини оширилиши ва ишга жойлаштирилишини таъминлайди.

30. Меҳнат шартномасини Иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розлигини олиб амалга оширилади (Ўз.Рес.МКида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

31. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиши тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

32. Ходимларни аттестациядан ўтказишдан камида 2 ой олдин ходимлар огохлантирилади, камида 1 ой олдин таҳминий саволлар билан таништиришни назарда тутувчи қоидалар, шунингдек аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши билан келишиб тасдиқланади.

33. Тармокда янги иш ўринларини ташкил этиш ва ахолини бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний хукукларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиши, малакасини ошириш, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ шахсларни ишга жойлаштиришга эътиборни қаратиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш ишлари амалга оширилади.

34. Томонлар олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битиравчилари, Қуролли Кучлар сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

### **III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

35. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқ, тизимда иш хафтасининг қўйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун - хафтасига 40 соат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – хафтасига 36 соат;

в) I ва II-гурух ногирони бўлган ходимлар учун – хафтасига 36 соат;

г) 3 ёшгача боласи бор аёллар учун – ҳафтасига 35 соат.

д) ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубиёти асосида - 36 соат.

36. Иш кунининг бошланиш ва тугаш вакти ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

37. Иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи бўйича ишлаб чиқариш заруриятларидан келиб чиқсан ҳолда айrim ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

38. Ходимга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқукини берадиган иш стажини хисоблаб чиқариш, таътилларни бериш вақти бўйича имтиёзлар, таътиллар учун ҳақ тўлаш Меҳнат кодексининг 142, 144, 148-моддалари талабларига қўшимча равишда, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Ҳар йилги асосий ва қўшимча ҳақ тўланадиган меҳнат таътили жадвалини иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда, календар йил бошланишидан икки ҳафта илгари ташкилотнинг меъёрли ишлаши ва ходимларнинг дам олишлари учун қуляй шароит яратиш мақсадида тасдиқлайди.

40. Меҳнат таътилини бўлиб бериш, қисман бериш, бошқа муддатга тўлик ёки қисман кўчириш ҳамда меҳнат таътилидан чақириб олишни иш берувчи томонидан факат ходимнинг розилиги билан амалга оширади.

41. Ходимларга қуидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;
- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;
- яқин қариндошларининг дағн маросимига уч иш куни.

42. Ноқулай меҳнат шароитларида ишларда банд бўлган ходимларга Меҳнат кодексининг 137-моддасига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги ишларда ишловчилар учун йиллик қўшимча таътил бериш имтиёзларини жамоа шартномаларига киритилишини таъминлайди.

43. Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғил ва қизлари, турмуш ўртоғи, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари хисобланадилар.

44. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

45. Қуидаги ходимларга уларнинг ҳоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- ишлаётган I ва II гурӯх ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (МК 234-модда);
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган (МК 232-модда).

46. Бетоб оила аъзосини парваришаётган шахсларга, ишлаётган пенсионерларга уларнинг илтимосига кўра муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

47. Тизимдаги қуий ташкилотларда қабул қилинадиган жамоа шартномаларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 229-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек асослар мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти бериш критерияларини белгилайди.

#### **IV. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

48. Иш берувчи тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳақидан келиб чиқкан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади. Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай риоя қилиниши таъминланади.

49. Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан белгиланган тартибда ошириб борилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлайди.

50. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ва иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун корхона раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади. 7

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2002 йил 19 мартағи 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида тизимдаги корхоналарда иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади. Мазкур меъёр барча жамоа шартномаларига киритилади.

52. Қарздорлик мавжуд бўлган холларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15 сонли Раёсат қарори билан “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи касаба уюшма органлари томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби”га кўра иш олиб борилади.

53. Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлиқ асосида ишлаганлик учун, хизмат қўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар хажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади(МК-160-модда).

54. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам қўрсатилиши жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

55. Тизимдаги қуий ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларга тўланадиган оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг турлари ва миқдорлари уларда тузиладиган жамоа шартномаларида белгиланишини таъминлайди (МК 157-158-моддалари).

56. Жамоа шартномаларида белгиланадиган барча турдаги моддий ёрдамлар бериш ходимларнинг шахсий аризалари асосида (қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиб олиш учун бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно), ташкилотнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, буйруқ билан расмийлаштирилиб, амалга оширилади. Шунингдек, ушбу моддий ёрдамларни тўлашда ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳар бир моддий ёрдам тури бўйича асословчи хужжатлар, яъни гувохномалар нусхалари, тиббиёт муассасаларидан олинган касалликни тасдиқловчи хужжатлар, баҳтсиз ходисани тасдиқловчи далолатнома нусхалари олиниши зарур.

57. Иш вазифасини бажараётган пайтда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи бир йўла бериладиган нафақа тўлайди. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла

бериладиган нафақанинг миқдори, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 194-моддаси).

58. Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафакалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

59. Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар “Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқномага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан куйидагиларни ўз ичига олади:

- йўл кира ҳаражатлари норматив асосида;

- Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан мутаносиб равишда 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда суткалик ҳаражатлар;

- доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ ҳаражатлар;

- ходим томонидан Иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа ҳаражатлар.

60. Кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ишларда, бошқа жойдаги ишга кўчиб боргандা, шунингдек ўзига тегишли мол-мулқдан фойдаланганда ходимнинг қилган ҳаражатлари иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 172 ва 173-моддаларига асосан жамоа шартномаларида кўрсатилган тартибда ва миқдорда қоплаб берилади.

61. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган барча имтиёзлар яратиб берилади.

62. Ходимларга иш тақсимоти, фаолиятидаги ютуқлар учун берилиши режалаштирилган устама пул ва қўшимча ҳақларни тасдиқлашда касаба уюшмаси қўмиталари вакилларининг иштироки таъминланади.

63. Иш берувчининг кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади. Агарда юкорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу холда ходимнинг ўртача иш ҳақи сакланиб қолинади - мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланади ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

64. Иш берувчи ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда иш берувчилар асосий ишидан озод этилмаган холда касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшмаси органлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли хизмат сафари (бориш, келиш, суткалик ҳаражатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) ҳаражатларини ходим ишлаб турган ташкилот ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

65. Иш берувчи тизимдаги қуи ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузишга қўмаклашиб, уларнинг фаолияти учун керакли шароитлар яратишида ҳамкорлик қиласи.

## **V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ**

66. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарадилар.

67. Барча меҳнат вазифаларини сидқидилдан бажарган, самарали натижаларга эришган ходимларни ташаккурнома, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирлаш, тизимда турли номинациялар бўйича унвонлар бериш, давлат ва тармок мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

68. Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллашга белгиланган муддатлар (Меҳнат кодексининг 182-моддаси) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

69. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равища тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

70. Тизимида ишчи-ходимларга нисбатан меҳнат интизоми шартларининг қўлланишини Меҳнат кодексининг 174-184-моддалари ҳамда мазкур келишувга киритилган талабларга асосан амалга оширади.

71. Иш берувчи ходимлар ўртасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, жойларда низоларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриб боради.

## **VI. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

72. Томонлар, ижтимоий шериклик тамойилларини тан олган ҳолда, Келишувни бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини қўришни ўз зиммасига оладилар.

73. Якка меҳнат низолари “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66“с”-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар” асосида ишлаб чиқилган Низом асосида кўриб чиқилади.

74. Жамоаларга доир меҳнат низолари ўзаро ишонч ва хурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари асосида ҳал этилади.

75. Якка меҳнат низолари комиссиялари ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

## **VII. МЕҲНАТ МУХОФАЗАСИ**

76. «Иш берувчи» меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга, меъёрий хужжатларга ва техник стандартларга мувофиқ корхоналарда хавфсиз ва гигиена талаблариша жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб беради.

77. Ташкилотларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси тадбирлариша (ҳар йили) зарур маблағларни ажратилишини таъминлайди. Меҳнат муҳофазаси бўйича Битим тузилишини, Битимда кўзда тутилган тадбирларга керакли миқдорда маблағлар ажратилишини ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

78. Ташкилотлар ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл харакати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл харакати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

79. Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул килинади.

80. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-хуқукий ҳужжатларни ишлаб чиқади.

81. Ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этади.

82. Ташкилотларга барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усулларини ҳамда баҳтсиз ходисалардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга ўқитишни ташкил этади.

83. Ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади ва таъминлайди.

84. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 263-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ аттестациядан ўтказишни таъминлайди.

85. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексининг 214-моддаси ва Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги “Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига риоя қилган ҳолда ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш, бунда ходим чиқимдор эмаслиги ҳақида эслатиб ўтади.

86. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилишни ташкил этади.

87. Касаба уюшма органлари барча босқичларда меҳнат муҳофазаси, шунингдек иш берувчилар томонидан бу борада ўз мажбуриятларини бажарилаётганлиги устидан назорат қиласи.

88. Мехнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қиласди.

89. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тўғрисида”ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатда жабрланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга бир йўла ва ойма-ой тўланадиган нафақаларни ҳамда бошқа тўловларни тўланишини таъминлайди.

90. Касаба уюшмаси қўмиталарини ишлаб чиқариш обьектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этишини таъминлайди.

91. Республика кенгаши билан “Мехнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш” бўйича қўшма чоратадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилишини таъминлайди.

92. Мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувани амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқади ва тегишлиchorаларни кўради.

93. Ташкилотларнинг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказиладиган республика кўрик-танловида иштирок этишини таъминлайди.

94. Ўзбекистон Республикаси “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конуни 31-моддаси (янги таҳрири)га мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар хафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади. Шунингдек, иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларини рағбатлантиради.

95. Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар конун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

96. Томонлар ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси-нинг конун хужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

97. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли Қарори билан тасдиқланган “Корхоналар ва ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамгармасини ташкил этиш ва уннг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”га биноан Мехнатни муҳофаза қилиш жамгармасини тузади ҳамда уни ходимларнинг меҳнат шарт-

шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

98. Ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимларга Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувоғиқ иш вактининг кисқартирилган муддатини белгилайди.

### **VIII. ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

99. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган оиласарга, болали оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

100. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш мақсадида, Томонлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

- ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва кўп болали оиласарни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-куватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаб бориш;

- ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш;

- кўп болали ва кам таъминланган оиласар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

101. Ҳар йили «Наврӯз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия хашарларини ўтказилади.

102. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган оиласарга, болали оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

### **IX. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШГУЛ ШАҲСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

Томонлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишини ва имтиёзлар беришини ўз зиммасига олган ҳолда қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

-Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

- “Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенция;

- “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

- “Оналики муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;

- “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

-“Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

103. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қуидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) хомиладор аёллар учун (МК 78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233, 237-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (МК 143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (МК 78, 84, 150, 224, 228, 229, 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (МК 150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (vasий, ҳомий) учун (МК 230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллари учун (МК 68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (МК 235, 238-моддалари).

104. Иш берувчининг мажбуриятлари:

- аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳукувидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

- тиббий ҳулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш;

- ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш хақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўtkазиш имконияти бўлmasa.

105. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса, ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш хақи тўланади. Ходиманинг хохишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирiga ўтиши мумкин (МК 236-модда).

106. Касаба уюшма қўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга қўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соглиғи муҳофазаси бўйича ижтимоий дастурнинг бажарилишида Иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

107. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

## **Х. ЁШЛАР УЧУН ҚҰШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

108. Тизимдаги корхоналар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида Томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Мекнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тұғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар мекнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йүк қилишга доир шошилинч чоралар тұғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар мекнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аник мақсадға йұналтирилган иш олиб бориш;- ёшлар билан ишлаш бүйіча комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиши;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар үртасида касб маҳорати бүйіча танловлар үтказиши;

- ёш оиласылар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиши.

109. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Мекнат кодексида кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 116, 135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246<sup>1</sup> – моддалари);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МК 103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257, 258-моддалари);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (МК 68, 103, 247<sup>1</sup>-моддалар).

110. Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга мекнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа мекнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш ҳамда касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни Иш берувчининг тизимдаги қуий ташкилотлари фаолиятига жалб этиш борасида аник мақсадға йұналтирилган ишларни олиб бориш мажбуриятини олади.

111. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Мекнат кодексида белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда, ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вактининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вақти ўрнатилиши кафолатланади.

112. Ёшларни миллий истиқолол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишиларидан, зарарли одатларга берилиб кетишиларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва ҳукуқ-тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра сухбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

113. Ўзбекистон Республикаси Мекнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичиде биринчи

бор ишга кираётган бити्रувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигини таъминланади.

114. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 2471 - моддасига асосан «Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўкув юртларининг тегишили таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битириувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт»лиги инобатга олинади ҳамда уларнинг иш жойларида қўнимлилигини алоҳида назоратга олиш.

115. Узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз судалар берилишига иш берувчи кўмаклашади.

116. Ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиб, бунда, таълим муассасаларини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимларга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш ҳамда Устоз ходимларни рағбатлантириш миқдорини жамоа шартномаларида белгилашни таъминлайди.

117. Касаба уюшма қўмитаси ўкувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашиш, янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш ҳамда касб-хунар таълими муассасаларининг битириувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш учун иш берувчига таклифлар киритиш мажбуриятларини олади.

## **XI. МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ ОММАЛАШТИРИШ ИШЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЎЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ**

118. Мазкур масалаларда Томонлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

-тизимдаги ҳар бир ташкилотда мањнавият ва маѓрифат хонасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, мустакиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

-Иш берувчининг тасарруфида бўлган кутубхоналарни ташкилот хисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўtkазиш, жихозларни янгилаб бориш;

-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шароит яратиш;

-ходимлар ва уларнинг оила аЎзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириб боришини ҳар тарафлама кўллаб кувватлаш, уларнинг бўш вактларини сермазмун ўтказишлари учун жойлардаги музейларга ҳамда тарихий ёдгорликларга бой бўлган республикамиз ва унинг худудларида саёҳатлар ўюштириш;

-умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш;

-ходимлар, айникса ёшларни маънавий-маърифий, гоявий-мафқуравий дунёкарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳукукий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра сұхбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш;

- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни касаба уюшма қўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;

-касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишни ўз зиммасига оладилар.

119. Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

120. Республика кенгашининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик танловида тизимдаги ташкилотлар иштироки таъминланади.

121. Иш берувчи ва унинг қуи ташкилотлардаги иш берувчилар “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмасига қўмаклашади.

122. Меҳнат таътили даврида ходимлар учун республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида хўжалик ҳисобидан согломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

123. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини согломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимида бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг согломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофик равиша берилади. Томонлар тизимда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва маблағ ажратилишини таъминлайди.

124. Томонлар тизимдаги ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларига соғломлаштириш учун иш берувчи томонидан ўтказилаётган маблағлар ҳисобидан кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш бўйича имтиёзлар киритилишини таъминлайди.

## **XII. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

125. Келишув Томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва уч йил давомида амал қиласи. Шу вақт давомида унга қўшимча ва ўзгартиш киритишга

Томонларнинг келишуви асосида йўл қўйилади. Томонлар мулкдори алмашганда, кайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини сақлаб қолади.

126. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган шахсларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Ёзма равишда киритилган маълумотлар комиссия томонидан 7 кун ичida муҳокама этилиб, сўнгра тегишли карор қабул қилинади.

127. Келишувнинг бажарилишини якунлари тўғрисидаги маълумотларни келишув комиссияси аъзолари тайёрлайдилар ва йил якуни бўйича бир марта Иш берувчи ҳамда Республика кенгашининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинади.


128. Ушбу келишув Иш берувчи, Республика кенгashi ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги учун уч нусхадан имзоланади, сўнгра Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

129. Билдириш рўйхатидан ўтказилганидан сўнг икки ҳафта муддат ичida Иш берувчи томонидан унинг нусхаларини Жамиятнинг барча таркибий тузилмаларига жамоа шартномаларини ушбу Келишувга мувофиқлаштириш мақсадида жўнатилади.

130. Ушбу Келишувдан факат хизмат доирасида фойдаланилади.

2018 йил “\_\_\_” да Тошкент шаҳрида тузилган

**Ушбу келишувни имзоловчилар:**



Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгashi раиси  
в.в.б.Т.Бозоров